

# **ШАХС РИВОЖЛАНИШИ ХАҚИДА ТУШУНЧА**

**Отабоева Зулфия Гофуровна**

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

**Ўзбек тили педагогика ва жисмоний маданияти кафедраси**

**ўқитувчиси**

**Аннотация.** Одамнинг ижтимоий мавжуд сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида одам инсон сифатида ривожланиб боради шахсни ривожланиши ва индивидуаллик хусусиятлари хақида фикрлар баён қилинган.

**Калит сўзлар.** Шахс, ривожланиш, индивид, индивидуаллик, категориялари, метод.

## **THE CONCEPT OF PERSONAL DEVELOPMENT**

**Otaboeva Zulfiya Gafurovna**

Teacher of the department of the uzbek language, pedagogy and physical

culture, faculty of plant protection and agro chemistry

Andijan Institute of Agriculture and Agro technologies

**Abstract.** In order for a person to become a social being, the conditions of a social environment and upbringing are necessary.

**Key words.** Man, development, personality, individuality, categories, method.

## **КОНЦЕПЦИЯ ЛИЧНОГО РАЗВИТИЯ**

**Отабоева Зульфия Гафуровна**

Преподаватель кафедры узбекского языка, педагогики и физической

культуры,

факультет защиты растений и агрохимии

Андижанского института сельского хозяйства и агротехники

**Аннотация.** Для того, чтобы человек стал человеком как социальным существом, необходимы условия социальной среды и воспитания.

**Ключевые слова.** Человек, развитие, личность, индивидуальность, категории, метод.

Инсон бутун умри давомида ўзгариб боради. У хам ижтимоий, хам психик жихатдан камолга етади, бунда болага берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ бўлса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллади. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради. Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва бехато бахолаш учун уни турли муносабатлар жаоаёнида кузатиш лозим.

Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри хал этиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омиллар ҳамда шахс хусусиятларини яхши билиш зарур. Шахс тушунчалик инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жихатдан тарақкий этган, шахсий хусусиятлари ва ҳатти-харакатлари билан бошқалардан ажралиб туручи, муайян хулқ-автор ва дунёқарашга эга бўлган жамиятнинг аъзосини ифодалашга хизмат қиласди. Одам шахс бўлиши учун психик жихатдан ривожланиши ўзини яхлит инсон сифатида хис этиш, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи керак.

“Индивид” нима? Бола маълум ёшга қадар “индивид” саналади. Индивид лотинча “individuum” сўзидан олинган бўлиб, бўлинмас, алоҳида шахс, ягона маъноларини англатади ҳатти-харакатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта оловчи биологик мавжудотdir.

“Индивидуаллик ” эса шахснинг ўзига хос хусусиятлари, бўлиб, унинг намоён бўлиши тарбия жараёнини амалга оширишда бола шахсини пухта ўрганиш, унинг яшаш шароитларидан етарли даражада хабардор бўлиш ва уларнинг хисобга олинишини тақозо этади.

“Ривожланиш” шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараёндир. Ривожланиш моҳиятан оддийдан мураккабга, янгининг пайдо бўлиши, эски сифатлардан йўқолиб бориши, миқдори ўзгаришнинг сифат ўзгаришига ўтишини ифодалайди. Ривожланишнинг манбаи қарама-қаршиликларни ўртасидаги қурашдан иборатdir. Бола шахсининг

ривожланиши инсон ижтимоий мавжуддир деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик. Биологик мавжуд хамдир. Унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Тарбия болага самарали таъсир этувчи учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини били ва хисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ривожланиш ва тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

Шахс тарбиясига таъсир этувчи омиллар. Фанда, одамнинг шахс сифатида ривожаланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилашга оид мунозара кўпдан буён давом этмоқда.

Инсоннинг шахс сифатида, ривожланишида ижтимоий ҳодисаларнинг таъсири кучли бўладими? Ёки табиий омиллар етакчи ўрин тутадими? Балки тарбиянинг таъсири юқоридир?

Фанда биологик йўналиш деб номланган нуқтаи назар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг вакиллари Аристотел, Платонлар табиий-биологик омилларни юқори қўйди. Улар тўғма имкониятлар, такдир, толе хар кимнинг хаётдаги ўрнини белгилаб берган. Биологик оқимга қарши фалсафий оқим вакиллари ривожланиши ижтимоий омил билан белгалайдилар. Бу оқим вакиллари бола шахсининг жисмоний, психик ривожланиши у яшайдиган мухитга боғлиқ деб кўрсатади.

Мухит деганда одам яшайдиган шароитдаги барча ташқи таъсир тушунилади. Тарбия туфайли болани ўзи яшайдиган ижтимоий шароитга мослаштириш мумкин. Демак одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараққий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида насл (биологик омил) ижтимоий мухит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, мақсадга мувофиқ амалга ошадиган тарбия хам бирдек аҳамиятга эга. Бу омилларнинг таъсирини аниклашда илғор педагогик олимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суняди.

Шахс мөхнат фаолияти заминида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса ўз навбатида инсон фаолиятини намоён этади. Шахс маълум ижтимоий тузум махсулидир. Жамият шахс камолотининг муайян имкониятларининг рўёбга чиқариш ёки йўқ қилиши мумкин. Шундай қилиб, одам шахсининг жамитядаги ривожланиши табиат, мухит, инсон ўртасидаги мураккаб алоқа таъсири остида рўй беради, инсон уларга фаол таъсир этади ва шу йўл билан хаётни ва табиатини ўзгартиради. Шахсга ижтимоий мухитнинг таъсири ҳам мухим. Бу тарбия тизими орқали амалга оширилади.

Биринчидан, тарбия таъсирида мухит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўнишка ва малакалар хосил бўлади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам ўзгартирилиб, шахс камолга етади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида мухитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин .

Тўртинчидан, тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгалайди.

Бола шахсининг ривожланишида тарбия ҳам етакчи ўринга эга бўлиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила мухити, ижтимоий мухит таъсирида хар томонлама ривожланишига қодир, деган хулосани чиқариш мумкин.

Шахс ривожланишида фаолиятнинг ўрни. Шахс ривожланишида ирсият, мухит, тарбия билан бир қатор инсон фаолияти ҳам мухим аҳамият касб этади. Бу дегани инсон қанчалик мөхнат қилса, унинг ривожланиши шунчалик юқори бўлади. Фаолият шахс томонидан табиий ва ижтимоий хаётни мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи қундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли қўриниш. Инсоннинг қобилияти ва ёши у томонидан ташкил этилаётган фаолият мохиятига кўра белгиланади.

Ўсмир ва ўспириналар фаолиятининг асосий турларига ўйин, ўқиши ва мөхнат киради. Улар йўналишига кўра билишга доир, ижтимоий, спорт, бадиий, техник, хунармандчилик ҳамда шахсий қизиқишга кўра танланган

сохалардан иборат. Фаолиятнинг асосий тури – мулоқотдир. Фаолият фаол ва пассив бўлиши мумкин. Ўсмир фаолияти мухит ва тарбия таъсирида фаоллашиши ёки сусайиши мумкин. Инсон шахсининг ривожланишида унинг бутун вужуди билан севиб ўз имкониятларини нимоён этиб, меҳнат қилиш, ўзини шахс сифатида кўрсата олиш, унда ўз фаолиятида қониқиши хосил қиласи. Таълим жараёнидаги фаоллик тарбияланувчини билимларни чукур ва мустахкам эгаллашга, ўз қобилиятини намоён этишга йўллайди. Билишга бўлган фаоллик тарбияланувчининг интеллектуал ривожланишини таъминлайди. Фаоллик кўрсатишнинг асосини эса ҳам эҳтиёж ташкил этади. Эҳтиёжларнинг химма-хиллиги фаолиятнинг ҳам турланини кенгайтиради.

Шунга кўра, тарбияланувчининг турли ёш даврларида уларнинг фаолияти турлича бўлинади. Таълим муассасасида, ҳамма вақт бир хил талаб шахс ривожланишида ижобий натижа бараверади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш. А. Педагогика назарияси .Т.:  
Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамият, 2010.
2. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
“Умумий педагогика” модули бхийча ўқув-услубий мажмуа Т.2018.